

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛТЕТИ
“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
АУДИТ” КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
факултет декани, и.ф.н.

Х.КОМОЛОВ _____

«__» _____ 2016 й.

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТАМАН»
кафедра мудир, и.ф.н.

С.МАХМУДОВ _____

«__» _____ 2016 й.

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИНING БИТИРУВЧИСИ

ХЎЖАЁРОВ ТЎЛАНБОЙНИНГ

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

МАВЗУ: АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ
ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИДА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

БМИ раҳбари:
и.ф.н, доцент

С.Махмудов

Бажарувчи:

Т.Хўжаёров

АНДИЖОН – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ” ФАКУЛТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедрасининг мудирини и.ф.н.

С.Қ.Махмудов _____

« ____ » _____ 20 ____ йил.

**Кундузги бўлим “Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит” таълим
йўналишининг 4-босқич талабаси
Тўланбой Хўжаёровнинг битирув
малакавий ишини бажариш учун**

TOPSHIRIQ

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: институт ректорининг 2015 йил 18-сентябрдаги №240-СТ (а) сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. БМИнинг мавзуси: АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ҳисоби.

3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти 3 май 2016 й.

4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари. БМИ кириши, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг БҲМСлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалининг мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.

6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар. Битирув малакавий ишда мавзу моҳиятини ёритишига ёрдам берадиган 10 узатма тузилиб, улардан 5 таси бевосита химоя жараёнида фойдаланилади.

<i>Битирув малакавий ишининг асосий қисмлари</i>	<i>Асосий қисмларни бажариш вақти</i>	<i>Раҳбар унвони, Ф.И.Ш.</i>	<i>Имзо</i>
<i>Кириш</i>	10.10.2015 01.11.2015	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>И-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ</i>			
<i>1.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тижорат банкларининг туганган ўрни ва аҳамияти.</i>	16.11.2015 01.12.2015	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>1.2. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши.</i>	16.12.2015 01.01.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>1.3 Тижорат банкларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобининг назарий-ҳуқуқий асослари.</i>	16.01.2016 01.02.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>ИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИГА ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ.</i>			
<i>2.1 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловларни ўзига хос хусусиятлари.</i>	02.02.2016 16.02.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>2.2 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўлов турларини белгиланиши.</i>	17.02.2016 28.08.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>2.3 АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар ҳисобланиши.</i>	01.03.2016 17.03.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>ИИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИДА ИШ ҲАҚИДАН МАЖБУРИЙ УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИ.</i>			
<i>3.1 Иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлардан ушланадиган тўлов турлари.</i>	18.03.2016- 25.03.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>3.2.Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиги бўйича имтиёзлар ҳисоб-китоблар ҳисоби</i>	26.03.2016- 01.04.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>3.3 Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиги ва пенсия жамғармаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби</i>	02.04.2016- 05.04.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>Хулоса</i>	06.04.2016- 10.04.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	11.04.2016- 19.04.2016	<i>и.ф.н, доцент С.Махмудов</i>	

Топшириқ берилган вақти: «__» _____ 201__ йил.

БМИ раҳбари:
и.ф.н, доцент

С.Махмудов

Бажарувчи:

Т.Хўжаёров

МУНДАРИЖА

1.	<i>Кириш</i>	3-6
2.	<i>И-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ</i>	7-20
3.	<i>1.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тижорат банкларининг туганган ўрни ва аҳамияти.</i>	7-12

4.	1.2. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши.	13-17
5	1.3 Тижорат банкларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобининг назарий-ҳуқуқий асослари.	18-20
6	ИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИГА ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ.	21-42
7	2.1 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловларни ўзига хос хусусиятлари.	21-26
8	2.2 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўлов турларини белгиланиши.	27-37
9	2.3 АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар ҳисобланиши.	38-42
10	ИИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИДА ИШ ҲАҚИДАН МАЖБУРИЙ УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИ.	43-67
11	3.1 Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушланадиган тўлов турлари.	43-51
12	3.2.Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ҳисоб-китоблар ҳисоби	52-61
13	3.3 Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи ва пенсия жамғармаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби	62-69
14	Хулоса	70-71
14	Фойдаланилган адабиётлар	72-74

**МАВЗУ: АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ
ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИДА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ**

РЕЖА:

КИРИШ

**И-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

1.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва аҳамияти.

1.2. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши.

1.3 Тижорат банкларида иш ҳақи ҳисобининг назарий-ҳуқуқий асослари.

ИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИГА ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ.

2.1 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобини ўзига хос хусусиятлари.

2.2 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисоби турларини белгиланиши.

2.3 АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ҳисоби ҳисобланиши.

ИИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИДА ИШ ҲАҚИДАН МАЖБУРИЙ УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИ.

3.1 Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушланадиган тўлов турлари.

3.2.Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ҳисоб-китоблар ҳисоби

3.3 Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи ва пенсия жамғармаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган мураккаб вазият ва дунё бозорларида юзага келган ноқулай конъюнктурага қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти 2015 йилда ҳам юқори суръатларда ўсишда давом этди.

Хусусан, 2015 йил якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 2014 йилга нисбатан 8 фоизни ва унинг номинал ҳажми 171,4 трлн. сўмни ташкил этди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, жумладан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг барча ички имконият ҳамда захираларини излаб топиш ва сафарбар этиш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантиришга, ички талабни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва самарали макроиқтисодий сиёсатнинг юритилиши ҳисобига таъминланмоқда.

Сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишга муҳим аҳамият берилаётганлиги ва бу борада амалга оширилаётган тизимли ишлар иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

2015–2019 йилларда мамлакатимиз саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган қатор дастурларда 2015 йил учун мўлжалланган вазифа ва чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши иқтисодиётга йўналтирилган капитал кў-

йилмалар ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилди.

2015 йилда иқтисодиётда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 15,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 9,5 фоизга ошди.

Бунда ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни қарийб 80 фоизи корхоналар, аҳолининг маблағлари, тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди. Жумладан, жами капитал қўйилмаларининг 3,3 млрд. АҚШ долларидан кўпроғи ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Хусусан, 2015 йилда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Жумладан, ушбу даврда умумий қиймати 7,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди.

2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурий чора-тадбирларнинг давом эттирилиши натижасида жами 980 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди¹.

Юқорида келтирилганлар асосида айтиш мумкинки, бугунги кунда “Банк ходимларига иш ҳақи ҳисоблаш” мавзуси бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Банк ходимларига иш ҳақи ҳисоби ва аудитнинг хусусиятлари ва ташкил қилиш асослари мавзуси доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган.

Битирув малакавий ишининг мақсади тижорат банкларида иш ҳақи ҳисобини меъёрий ҳужжатларга асосан юритишдан иборат.

¹ Ўзбекистон Марказий банкининг расмий сайтидан олинган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидагилар асосий вазифалар сифатида кўриб чиқилади:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва аҳамияти:
2. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши:
3. Тижорат банкларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобининг назарий-ҳуқуқий асослари:
4. Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловларни ўзига хос хусусиятлари:
5. Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўлов турларини белгиланиши:
6. АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар ҳисобланиши:
7. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушланадиган тўлов турлари:
8. Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ҳисоб-китоблар ҳисоби:
9. Иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи ва пенсия жамғармаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Битирув малаквий ишининг объекти битирув малакави ишининг объекти сифатида АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиали танлаб олинди. Шунингдек, ишда мазкур тижорат банкининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидаги маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг услуб ва услубияти Битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Низомлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқармасининг Низоми ва Йўриқномалари, Ўзбекистон

Республикаси Президенти И. Каримов асарлари, профессор олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг ҳажми Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, объекти, услуб ва услубиёти ва ҳажми кўрсатилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ҳамда ташкилий асослари” деб номланган бўлиб, бу бобда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг моҳияти ва зарурияти ва тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши ва унинг назарий ҳуқуқий асослари кенг таҳлил қилинади.

Битирув малакавий ишининг иккинчи боби “АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиали ходимларига ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалий жихатлари” деб номланган бўлиб, бу бобда ҳудудий филиалида ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар турларини ўзига хос жихатлари, ҳудудий филиалида ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўлов турларини белгиланиши ва ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар ҳисобланиши меъёрий ҳужжатларга асосан ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи боби “АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида иш ҳақидан мажбурий ушланмалар ҳисоби ва аудитдан ўтказиш” деб номланган бўлиб, бу бобда ҳудудий филиалида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушланадиган тўлов турлари ва ҳудудий филиалида ходимларга

ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар тўлиқ таҳлил қилинган бўлиб яқундан хулоса ва таклифлар беришдан иборат.

Хулоса ва таклифларда битирув малакавий иши мавзусини ўрганиш давомида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари бўйича берилган фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Битирув малакавий иши келгусида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқур ўрганилган мавзу сифатида кенг қўлланилиши мумкин.

И-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилинишини ўзига хос хусусиятлари.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади -банк активлари ва пасивларидан самарали фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва кўрсатилган банк хизматлари юзасидан даромад (фоизли)ларни ҳамда банк операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (фоизли) ни, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни ўз вақтида ҳисоблаб, якуний молиявий натижаларни тўғри аниқлашдан иборатдир. Бунда талабалар банкларда бухгалтерия ҳисобини ўрганишда, аввало, унинг корхоналар, бюджет ва бошқа кредит муассасаларида юритиладиган бухгалтерия ҳисобидан туб фарқларини тушунишлари зарур.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бошқа корхона ва ташкилотларникига нисбатан ўзининг оперативлиги билан ажралиб туради. Чунки уларда соат 16-00 гача операцион кун бўлиб, шу давр мобайнида амалга ошириладиган операциялар ўша куниниёқ мижозларнинг аналитик ҳисобидаги шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади ва кундалик

баланс орқали умумлаштириш усули билан назорат қилиб борилади. Бу пул маблағларининг сақланиши, кундалик пул айланмаси ва ҳисоб-китоб кредит муносабатларининг ҳолати, касса режасининг бажарилишини назорат қилиш имкониятини бериш билан биргаликда, пул муомаласи ҳамда кредит ресурсларининг айланишини тартибга солишни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг объектларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ҳамда улар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиш учун ўлчов бирликлари (натура, меҳнат ва пул) дан фойдаланилади. Шу боисдан, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишда қуйидаги асосий вазифаларни бажаришни талаб қилади:

1. ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш, мижозларга тез ва пухта хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш;
2. банкдан пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турадиган бланкалардан фойдаланишнинг қонунийлигини таъминлаш;
3. операция кун давомида бажарилган ва кўрсатилган хизматлар бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларнинг қонунийлигини ҳамда тўғрилигини назорат қилиш;
4. тижорат банкларида бажарилган ва кўрсатилган хизматлар бўйича молиявий натижаларни шакллантириш ва уларни тўғри аниқлаш;
5. кундалик балансни тузиш учун дастлабки ҳужжат маълумотларини қайта ишлаш ва уларнинг ҳар бир ҳисобварақлари бўйича тақсимлашни самарали ташкил этиш;
6. ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузиш ҳамда тегишли назорат органларига ўз вақтида тақдим этиб боришдан иборатдир.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг қонуний ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни» ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

Ушбу қонуний ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини юритишда тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар ҳисобланади ва мулкчилик шаклидан, яъни, қайси тармоққа тегишлилигидан ҳамда катта-кичиклигидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилинади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби фанини ўрганишда унинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузишга оид меъёрий ҳужжатларни билишни тақозо этади.

Банк-тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

1. жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
2. омонатларни жалб этиш;
3. кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.
4. маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
5. чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
6. пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

7. учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
8. учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
9. қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
10. банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;
11. жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
12. молиявий лизинг;
13. халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида” йўриқномага асосан юритилади.

Бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар, шунингдек, банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, қуйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган:

1. ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;
2. банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;
3. банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;
4. банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;
5. ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;
6. банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи мижозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;
7. банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомади ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини ташкил этиш;

8. операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитдан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотномалар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;
9. замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш.

1.2 Мехнатга ҳақ тўлаш шакллари, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби ва турлари.

Тижорат банкларида иш ҳақи ҳисоби асосан вақтбай шаклида амалга оширилади. Муассаса бухгалтерининг муҳим вазифаси иш ҳақини тўғри ҳисоблаш ва уни ўз вақтида беришдир.

Ишчиларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси ва у имзолагандан кейин банк раҳбарининг ишчини ишга қабул қилиш тўғрисида имзолаган буйруғи чиқарилиши билан расмийлаштирилади.

Банк бўйича ходимлар жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, у барча ходимларнинг рўйхати бўлиб, улар маошининг миқдори кўрсатилади.

Ходимлар бўлимида ҳар бир ходимга шахсий варақа тўлдирилади, раҳбар ходимлар ва мутахассисларга, бундан ташқари, шахсий варақа юритилади. Ҳар бир ходимга ишга қабул қилиш пайтида табель рақами берилади, кейинчалик иш ҳажми ва иш ҳақини ҳисобга олишга доир барча ҳужжатларга ушбу рақам қўйилади.

Банкнинг бухгалтерия хизмати томонидан ҳар бир ходимга **шахсий ҳисобварақаси** очилади, унда ходимнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ойма-ой жамланиб борилади.

Асосий ва қўшимча иш ҳақи мавжуд.

Асосий иш ҳақига ишланган вақт, бажарилган ишлар миқдори ва сифати учун ходимга ҳисобланадиган иш ҳақи: ишбай нархлар бўйича тўлов; тариф ставкалари; окладлар; мукофотлар; ишнинг меъёрий шароитларидан четга чиқишлар: тунги пайтда, иш вақтидан ташқари ишлаганлик муносабати билан қўшимча тўловлар: ишчининг айби бўлмаган ҳолда ишламаганлик учун тўлов ва хоказолар киради.

Қўшимча иш ҳақи меҳнат бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ишланмаган вақт учун тўловлар: навбатдаги таътиллер; оналарга болани овқатлантириш учун ишда бериладиган танаффуслар; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатлари; давлат ва жамоат

мажбуриятларини бажарганлик учун тўловлар; ишдан бўшатиш пайтида бериладиган нафақалар ва ҳақозолар киради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий шакллари ишбай ва вақтбай шакллар ҳисобланади.

Ишбай иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдор ива унинг бирлиги учун нархлар асосида ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли иш ҳақини ходим томонидан ишланган вақт миқдоридан ва бир соат иш учун тариф ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишни назарда тутди.

Вақтбай-мукофот тўлов вақтбай иш ҳақининг бир тури ҳисобланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ушбу тизими сифат ва миқдор кўрсаткичлари учун мукофот ҳисоблашни назарда тутди. У вақтбай ишлайдиган ишчилар ойлик лавозим маошлари белгиланган хизматчилар иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади. Мукофот тасдиқланган ва корхонада амал қилаётган мукофотлаш тўғрисидаги низом бўйича, ишлаган вақт ва лавозим маоши ёки тариф ставкасини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Мукофотлаш тўғрисидаги низом корxonанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариш шароитлари ва хусусиятларига нисбатан қўллаш орқали ишлаб чиқилади ҳамда корхона раҳбари ёки таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Тунги вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш. Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 122-моддаси). Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярим тунги вақтга тўғри келса, тунги ишвақти муддати бир соатга, иш хафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қискартирилади.

куйидагиларни тунги вақтда ишлашига йўл қўйилмайди:

-хомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тулмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар;

-18 ёшга тўлмаган шахслар;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тоифадаги ишчилар.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда-бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим (Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 125-моддаси). Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлик учун икки барабар миқдорда ҳақ тўланади. Агар ходим бунинг ҳисобига бошқа кун таътил олса, бир баробар ҳақ тўланади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳисоб-китоби, ва тўлаш услубиятлари «давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (ЎЗР АВ томонидан 08.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади. Даволаш (тиббийёт) муассасининг меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тўлаш суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъий назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда қўйидагиларга тўланади;

-ишлаётган 2-жаҳон уруши қатнашчиларига;

-байналминал жангчиларига;

-қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

-Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларга;

-меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинчат меҳнатга лаёқатсиз ходимларга.

Таътиллари тўлаш ҳисоб-китоби. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 133-моддасига биноан барча ходимлар ҳар йили

меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ мазкур корхонада олти ой узлуксиз ишлашдан сўнг берилади.

Таътил учун тўлов суммаси таътидан олдинги ишлаган ой учун иш ҳақи суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади. Таътил учун тўлов суммасини аниқлашда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асос килиб олинади. Таътилар вақтида ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариш кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳисоб китоб даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган сумманинг ўн иккидан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосда ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақиға қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган. Бошқа тўловлар киради.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига кўра асосий меҳнат таътилининг 15 кун давом этиши белгиланган, лекин ходимлар қўшимча таътиларининг муддати жамоа шартномасида бир неча кун кўпроқ қилиб белгиланиши мумкин.

Бажарилган иш ҳажми ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштириш.

Ишлаб чиқариш хусусияти, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тизимидан келиб чиқиб, корхона бирламчи ҳужжатларининг қуйидаги шакллари қўлланилади: ишбай ишга наряд; йўналиш варақаси; бажарилган иш ҳажми тўғрисида билдирги; бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олиш қайдномаси; ишларни қабул қилиш далолатномаси.

Вақтбай иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий ҳужжат бўлиб фойдаланилган иш вақти табели ҳисобланади. У иш жойларида бригадрлар, усталар, цех, бўлим бошлиқлари томонидан тўлдирилади. Иш бўлмаган кунлари қуйидаги шифрлар билан акс эттирилади: «К»-касалланиш, «Д»-дам олиш куни, «Т»-таътил ва хоказолар.

Тегишлича расмийлаштирилган бирламчи хужжатлар ой охирида бухгалтерияга топширилади, бухгалтерия ходимлари уларни диққат билан текширадилар, сўнгра ҳар бир ходимга тегишли бўлган иш ҳақини ҳисоблайдилар ва маълумотларни ишлов учун ҳисоблаш марказига топширадилар ёки компьютерга киритадилар. Ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи ходимнинг шахсий варақасида кўрсатилади.

Ходимлар била иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ишчиларга иш ҳақи ҳар ярим ойда камида бир марта тўланиши лозим. Бўнақлар солиқларни чиқариб ташлаган ҳолда лавозим маошнинг 40-50 % и миқдорида берилади. Корхона бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш учун фойдаланиладиган асосий регистр бўлиб ҳисоб-китоб қайдномаси ҳисобланади. У цех ва бўлимлар бўйича тузилади ва қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: тўлов турлари бўйича ҳисоблашлар 29803-«Мехнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи кредити бўйича айланма; иш ҳақидан ушлаб қолишлар дебети бўйича айланма. Бундан фарқ қўлга тегадиган суммани ташкил этади.

Ҳисоб-китоб қайдномасининг охириги кўрсаткичи иш ҳақи тўлаш учун тўлов қайдномасига кўчириб ёзилади. Ушбу қайдноманинг титул варағида корхона раҳбарининг рухсат берувчи имзоси қўйилади. Иш ҳақининг берилиши 3 кун давомида амалга оширилиши керак. Ходимлар томонидан ўз вақтида олинмаган иш ҳақи депонентга топширилади. Кассир ходимнинг фамилияси қаршисига «имзо» устуннига «депонентга топширилган» тамасини қўяди ёки қўлда ёзади.

1.3 Тижорат банкларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобининг назарий-ҳуқуқий асослари.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби фанини ўрганишда унинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузишга оид меъёрий ҳужжатларни билишни тақозо этади.

Республикамиз тижорат банкларида иш ҳақи ҳисоби “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунларга ва Марказий банкнинг бир қатор меъёрий ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Банклар тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш ишини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг пухта йўлга қўйилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини таъминлайди. Бунинг бухгалтерлардан муайян билимлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий тамойиллари ҳамда услубларини яхши билишлари талаб қилинади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона методологик асосларини белгилаб беради.

Тижорат банклари томонидан бухгалтерия ҳисоби, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб, қайта ташкил этилгунча ёки тугатилгунча қадар узлуксиз равишда юритилади.

Тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилишлари зарур.

Тижорат банкларида ҳисоб-китоб ишлари улар вужудга келган даврдан бошлаб амалга оширилади. Ҳисоб-китоб ишлари даврлар оша ривожланиб, такомиллашиб келган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва уни такомиллаштиришда бир қанча амалий ишлар амалга оширилди.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш илғор чет эл тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ва республикада қонунларига асосан амалга оширилмоқда. Жумладан, банкларда бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилмоқда. Бу эса банкларни ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шуниси аҳамиятлики, банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши бухгалтерларга боғлиқ. Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишда бухгалтер-ходимлар ўз ишларига масъулият билан ёндошишлари лозим.

Тижорат банкларида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилар экан, асосий эътибор, уларнинг даромадлари ва харажатларини ҳисобини юритишга катта эътибор берилди.

Республикадаги тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби маълум бир меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини амалга оширишдаги асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ҳисобланади.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Уларни ҳисобга олиш куйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган “Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида”ги низомга асосан банкнинг ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади:

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1301-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан хатоларга тузатишлар киритилади:
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 18 январда 1445-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан жамланма молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан ҳисоботлар шакиллантирилади:
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 4 ноябрда 982-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги низомга асосан аудиторлик текширувлари ўтказилади:
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 25 ноябрда 405-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомга асосан ички аудитор лавозимига талаб қўйилган.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги янги тахрирдаги низомга асосан ички аудитор лавозимига талаб қўйилган.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21-июлдаги 206-сонли «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан штатлар жавдали шакиллантирилади.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18-октябрдаги 297-сонли «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида» низомга асосан иш ҳақи тўланди.

ИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИГА ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲИСОБИНИНГ ТУРЛАРИ.

2.1 Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисоби тўловларни ўзига хос хусусиятлари.

АТБ “Агробанк” Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар турларини ҳисоблаш тартибини меҳнат кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Меҳнат кодекснинг 153-моддасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади,

Меҳнат кодекснинг 161-моддасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Кодекснинг 157-моддасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган, ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Кодекснинг 161-моддасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек меҳнатга қобилияти бўлмаган туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади. Ходимларга иш ҳақи, одатда, улар ишлаётган жойда тўланади.

Ходимларга иш ҳақини ҳисоблаш бўйича АТБ "Агробанк"нинг 2013 йил 25-январ кунги 6/2-сонли буйруғига асосан "Банк тизимида

ходимларга иш ҳақи тўлаш, меҳнатини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган.

Ушбу низомда қуйидаги таърифлар келтирилган:

1. **лавозим маоши**-штатлар жадвалида белгиланган ҳар бир лавозим учун иш ҳақининг миқдори;
2. **ойлик мукофот**-банк ходимларини ишга бўлган маъсулиятини ошириш, банкнинг самарали фаолият кўрсатиши ва унинг ривожланишига қўшаётган ҳиссаларини ҳисобга олиб, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ҳар ой (чорак) якуни бўйича бериладиган рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов;
3. **бир мартабалик мукофотлар**-меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган (байрам саналари ва бошқалар) рағбатлантириш тусидаги бир йўла бериладиган тўловлар;
4. **Йиллик иш якунларн бўйича мукофот**- банкнинг йиллик молиявий натижасидан келиб чиққан ҳолда ходимларнинг банк даромадини кўпайтиришга қўшган ҳиссаларини ҳисобга олиб, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида бир йилда бир марта бериладиган рағбатлаитириш хусусиятига эга тўлов;
5. **устама**-меҳнат унумдорлигн яхши, юқори малакали, ўз хизмат вазифаларини виждонан ва тўғри бажарувчи ташаббускор уларнинг банк фаолиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалардан келиб чиққан ҳолда лавозим маошига қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов;
6. **моддий ёрдам**-ходимнинг моддий ёрдамга мухтожлиги сабабли бошқа асосларга кўра бир марталик тўлов;
7. **таътилга қўшимча тўлов**-ходимлариинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш мақсадида меҳнат таътилига чиқиш муносабати билан бераадиган рағбатлаитириш хусусиятига эга тўлов;

8. **таркибин тузилма**- Марказий аппаратда департамент, бошқарма, мустақил бўлим, Худудий филиалларда бўлим, филиалларда бўлим, мини-банк ва шўъбалар;
9. **ваколатли комиссия**-Марказий аппарат, худудий бошқамалар ва филиалларда ходимлари моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш учун буйруқ асосида ташкил қилинган доимий ишчи гуруҳи.

Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими қуйидаги тўловларни ўз ичига олади:



2.1.1-расм. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими қуйидаги тўловлар.

Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими қуйидаги тўловлар шаклларига бўлинади:

2.1.1-жадвал

“Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими қуйидаги тўловлар шакллари”

№	Тўлов шакллари	Тўлов турлари
1	Лавозим маошларни белгилаш ва ҳисоблаш тартиби	Лавозим маошлар тўлови
2	Рағбатлантириш хусусиятига эса тўловлар:	1. Даврий мукофотлар 2. Даврий мукофот қуйидаги ҳолатларда тўланмайди: 3. Банк тизимида кўп йиллик меҳнати учун тўловлар

		<p>4. Йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар.</p> <p>5. Меҳнат таътилга қўшимча ҳақ</p> <p>6. Бир марталик мукофотлар</p>
3	Компенсация тўловлари	<p>1. Овқатланиш учун компенсация тўловлари</p> <p>2. Жамоат транспортида юриш учун компенсация тўловлари.</p>
4	Шанбалик учун ҳақ тўлаш	Шанбалик ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш.
5	Моддий ёрдам тўловлари.	<p>1. Моддий ёрдам маблағлари:</p> <p>2. Марказий аппаратнинг ваколатли комиссияси қарори билан:</p> <p>3. Нафақага чиқаётган ходимларга моддий ёрдам</p>
6	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда банк ҳисобидан ижтимоий суғурта нафақалари	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда банк ҳисобидан ижтимоий суғурта нафақалари

2.2 Ходимларга лавозим маоши ва рағбатлантириш тўловлари ҳисоби.

1. Лавозим маошларнинг белгилаш ва ҳисоблаш тартиби:

Ходимларга иш ҳақи штатлар жадаалида белгиланган лавозим маошлар миқдори бўйича тўланади.

Банк ходимларининг лавозим маошлари банкнинг молиявий ҳолатидан қатъий назар тўланади, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация тўловлари ва моддий ёрдам тўловларини тўлаш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланмайди, иш берувчи ушбу тўловларни бир йўла ёки қисман бекор қилишга ҳақли.

Банк ходимларининг лавозим маошлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тариф разрядларн ҳамда ўрнатилган коэффициентларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келаб чиққан ҳолда белгиланади.

Иш вақтидан ташқари ишлаш, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун ходимларга лавозим маошидан келиб чиқиб, амалдаги чонунчиликка биноан ҳақ тўланади.

Лавозим маошига кўшиладиган устамалар, даврий мукофотлар, йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар ва бир марталик мукофотлар миқдори Марказий аппарат факолатли комиссиялар қарори билан белгиланади.

Компексация тўловларини жорий қилиш ва уларнинг миқдори белгилаш Бошқарувнинг буйруғи билан амалга оширади.

Бир марталик мукофотлар, барча турдаги моддий ёрдамлар ва компенсация тўловлари фақат штатда турган ходимларга тўланади. Синов муддати билаи ишга қабул қилинган, ўртача ойлик иш ҳақи олиб ишдан ажралган ҳолда ўқийдиган, ўриндошлик асосида ишлаётган, бола парваришида бўлган ходимларга ҳамда фуқаролик-ҳукукий тусидаги шартнома асосида ишловчи жисмоний шахсларга мазкур тўловлар тўланмайди.

Интизомий жазо қўлланилган ходимларга интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида бир марталик мукофотлар берилмайди.

Йиллик иш яқунлари бўйича мукофот ўриндошлик асосида ишловчи ва ўртача ойлик иш ҳақи олиб ишдан ажралган ҳолда ўқийдиган ходимларга тўланмайди.

Ходимларга иш ҳақи штатлар жадаалида белгиланган лавозим маошлар миқдори бўйича тўланади.

Ходимларга иш ҳақи ойда икки марта ойнинг 16-санасига ва шу ойнинг охири куни ишлаган кунлар сонига мутаносиб равишда тўланади. Ойнинг 16-санаси дам олиш кунларига тўғри келса иш ҳақи дам олиш кунидан олдинги кунда тўланади,

Иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш тақдим этилган табел асосида амалга оширилади. Табелда банк ходимларининг ҳақиқатда ишлаган ва ишламаган кунлари, ишлаган соатлари тўлиқ акс эттирилиши лозим.

2.2.1-илова

Т-13 -сонли тармоқлараро намунавий -шакл

<i>Агробанк</i>	БХУТ бўйича	Кодлар
ташкилот	КТУТ бўйича	
<i>Бухгалтерия бўлими</i>	шакл	
таркибий бўлинма		

Ҳужжат рақами	Тузилган сана	Ҳисобот даври	
		дан	гача
<i>5</i>	<i>2013 й., январь</i>	<i>01.01. 2013 й.</i>	<i>31.01. 2013 й.</i>

**Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва иш ҳақи ҳисоб-китоби
ТАБЕЛИ**

Тартиб рақами	Фамилияси, исми, отасининг исми, касби (лавозими)	Табель рақами	Ой кунлари бўйича ишга келган ва келмаганлик ҳақида қайдлар															Ишланди			
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	X	Ойнинг биринчи ярми учун	бир ой учун	
			16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	кунлар	соатлар	
1	2	3	4															5	6		
<i>1</i>		<i>35</i>	<i>д</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>д</i>	<i>д</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>д</i>	<i>д</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>Х</i>	<i>9</i>	<i>21</i> <i>168</i>
			<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>			<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>				<i>8</i>	<i>Х</i>	<i>72</i>		
			<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>д</i>	<i>д</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>д</i>	<i>д</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>к</i>	<i>12</i>		
			<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>			<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>				<i>8</i>	<i>8</i>	<i>8</i>	<i>96</i>		
																		<i>Х</i>			

																				X		
																					X	
																					X	

Хизмат сафаридаги ходимларга иш ҳақи тўловлари асосий иш жойидан тўланади. Хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш ва тўлаш банкнинг мазкур фаолиятни мувофиқлантирувчи ички меъёрий ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусидаги шартнома асосида ишловчи жисмоний шахсларга ҳақ тўлаш алоҳида шартнома асосида амалга оширилади

Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тўлаш.

Иш заруриятидан келиб чиққан ҳолда банк ходимларини уларнинг розилиги билан дам олиш кунлари ва байрам кунлари ишга жалб қилиш мумкин.

Банк ходимлари учун ҳафтада беш кун иш куни, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари дам олиш кунлари ҳисобланади. ЎзР Меҳнат кодексининг 131-моддасида кўрсатилган кунлар байрам кунлари ҳисобланади.

Байрам ёки дам олиш кунларида ишлаган ходимларга икки ҳисса миқдорида иш ҳақи тўланади. Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилганлик учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ амалга оширилади ҳамда барча рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларни ҳисоблашда инобатга олинади.

Байрам ёки дам олиш кунларидаги ишлаган кунлари учун ходимнинг хоҳишига қараб бошқа куни дам олиш (отгул) бериш билан қопланиши мумкин.

лавозим маоши-штатлар жадвалида белгиланган ҳар бир лавозим учун иш ҳақининг миқдори;

Ходимларга иш ҳақи ойда икки марта ойнанинг 16-санасига ва шу ойнанинг охири куни ишлаган кунлар сонига мутаносиб равишда тўланади,

ойнинг 16-санаси дам олиш кунларига тўғри келса иш ҳақи дам олиш чиқишдан олдинги кунда тўланади,

Иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш тақдим этилган табель асосида амалга оширилади. Табелда банк ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган ва ишламаган кунлари, ишлаган соатлари тўлиқ акс эттирилиши лозим.

Хизмат сафаридаги ходимларга иш ҳақи тўловлари асосий иш жойидай тўланади. Хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш ва тўлаш банкнинг мазкур фаолиятни мувофиқлантирувчи ички меъёрий ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусидаги шартнома асосида ишловчи жисмоний шахсларга ҳақ тўлаш алоҳида шартнома асосида амалга оширилади.

Байрам ва дам олиш кунлари ишлагани учун бошқа куни дам олиш берилган тақдирда, бундай иш кунлар учун Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан бир кунлик иш ҳақининг бир ҳиссаси миқдорида тўланади.

АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қуйидаги тўловлари мавжуд.

2. Рағбатлантириш хусусиятига эса тўловлар:



2.2.1-расм. Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар:

Ташаббускорлик билан ва юқори самарали меҳнат қилишнн рағбатлантириш мақсадида банк ходимларига меҳнатда эришган ютуқлари ҳамда банк фаолиятига кўшаётган алоҳида ҳиссаларини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига устама ҳақ белгиланади ва ушбу миқдор лавозим маошининг 2 баробаридан ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

Лавозим маошига кўшиладиган устаманинг Марказий аппарат, ҳудудий бошқарма ва филиаллар бўйича умумий миқдори Марказий аппаратнинг ваколатли комиссияси қарорига мувофиқ белгиланади. Бунда:

- банк Кенгаши томонидан Бошқарув раисига;
- Марказий аппарат ваколатли комиссияси томонидан Бошқаруа раисининг таклифига асосан Бошқарув аъзолари, таркибий тузилма раҳбарлари таклифига асосан Марказий аппарат ходимлари, ҳудудий бошқарма бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, бошқарма таркибидаги бўлим бошлиқлари ҳамда тасарруфидаги филиаллар бошқарувчилари ва бош бухгалтерларига;
- ҳудудий бошқармадаги ваколатли комиссия томопидан ҳудудий бошқарма ходимлари қамда тасарруфидаги филиалларнинг бўлим бошлиқларига;
- филиалдаги ваколатли комиссия томондан филиал ходимларига белгиланади.
- Ички аудит хизмати ходимлари (шу жумладаи, аилоят бошқармаларидаги бўлимлари ходимлари) лавозим маошига кўшиладиган усгама Ички аудит департамени бошлиқшиинг таклифи асосида Марказий аппаратнинг ваколатли комиссияси томонидан белгиланади.

Ваколатли комиссиялар томонидан устама ҳақ белгиланишида филиал фаолиятининг даромадлилиги ва самарадорлигини оширишда ходимнинг кўшгаи ҳиссаси, ўз ишини яхши билиши, ўзига юклатилган

вазифаларни сидқидилдан бажариши, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиши билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Таркибий тузилма раҳбарларининг таклифларига асосан ваколатли комиссиялар томонидан ходимларга устама ҳақ миқдори ҳар чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар чорак учун бир марта белгиланади. Ваколатли комиссия устама ҳақ миқдорини таркибий тузилма раҳбарларининг билдиришномалари асосида чорак давомида ҳам қайта кўриб чиқиши мумкин,

Ходим тизимда бир лавозимдан бошқа лавозимга ўтказилганда унга белгиланган олдинги устама ҳақ янги устама ҳақ белгилангунга қадар ўз кучида қолади.


2.1. Даврий мукофотлар

Банк тизимда ходимларни даврий мукофотлаш тартиби кўлланилади. Ҳудудий бошқармалар ҳамда тасарруфидаги фияялларга мукофот уларнинг молиявий курсаткичлари, активлар сифати, шуниингдск жорий йил бизнес-режа параметларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда белгиламади,

Даврий мукофот ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақти бўйича ўтган (даврд) ойда;

- ❖ ҳақиқатда ишланган кунлар, шу жумладан байрам ва дам олиш кунлари учун ҳисобланган иш ҳақи;
- ❖ иш ҳақиға ҳисобланган шахсий устамалар;
- ❖ банк тизимида кўп йиллик меҳнат стажига берилган тўловга нисбатан ҳисобланади.

2.2. Даврий мукофот қуйидаги ҳолатларда тўланмайди:



2.2.2-расм. Даврий мукофот турлари

Ғазначилик департаменти Марказий аппарат таркибий тузилмаларидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар ходимларни мукофотлаш юзасидан таклифларни йиғиб олади ва маълумотларни умумлаштириб ваколатли комиссия муҳокамасига киритади. Ваколатли комиссия молиявий кўсаткичлардан келиб чиқиб, мукофотнинг умумий миқдорини белгилайди ҳамда ходимларни мукофотдан маҳрум қилиш ёки қўпинча рағбатлантириш бўйича қарор қабул қилади.

Марказий аппаратнинг ваколатли комиссияси вилоят бошқармаси ҳамда тасарруфидаги филиаллар ходимларига ҳам мукофотнинг умумий миқдорини белгилайди, ҳудудий бошқарма ва филиал ходимларини мукофотлаш масалалари уларда тузилган ваколатли комиссиялар томонидан кўриб чиқилади ва филиал учун белгилаётган умумий миқдордан ошмаган ҳолда маълум бир ходимни қўшимча мукофотлаш ёки мукофотдан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиш мумкин. Бунда ходимга белгиланган мукофот миқдори 100 фоиздан ошишига йўл қўйилмайди




Марказий аппарат ваколатли комиссияси томонидан филиалнинг айрим ходимларига даврий мукофот миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, филиаллар мазкур қарор ижросини таъминлашлари лозим.

Ҳисобот даврида тўлиқ ёки қисман ишлаган, аммо мукофот пули тўлангунга қадар ишдан бўшаган ходимга ишлаган даврига мутаносиб равишда мукофот пули берилади,

2.3.Банк тизимида кўп йиллик меҳнати учун тўловлар

Банк тизимида кўп йиллик хизмат қилганлиги учун ходимларга лавозим маошига нисбатан белгиланган фоизларда қўшимча ҳақ тўланади, Бунда банк тизимида ишлаган иш стажи ҳисобга олинади. Ходимнинг банк тизимидаги меҳнат стажини ҳисоблашда аёлларнинг битта боласини парвариш учун берилган татил даври ҳисобга олинади.

Кўп йиллик хизмати учун қўшимча ҳақ тўлаш ҳар ойда банк тизимидаги иш стажидан келиб чиқиб:

	2 yildan 3 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 10 foiz
	3 yildan 5 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 20 foiz
	5 yildan 7 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 30 foiz
	7 yildan 10 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 40 foiz
	10 yildan 12 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 50 foiz
	12 yildan 14 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 60 foiz
	14 yildan 16 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 70 foiz
	16 yildan 18 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 80 foiz
	18 yildan 20 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan xodimlarga 90 foiz
	20 yildan ortiq stajiga ega bo'lgan xodimlarga 100 foiz

2.2.3-расм. Кўп йиллик хизмати учун қўшимча ҳақ тўлаш турлари.

2.4.Йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар.

Йиллик иш якунлари бўйича мукофотнинг умумий миқдори банк Кенгаши қарори билан белгиланиб, банк Акциядорлари умумий

йиғилишининг фойда тақсимоти бўйича қарори қабул қилингандан сўнг тўланади,

Банкнинг ҳар бир филиали кесимида йиллик иш якунлари бўйича мукофот миқдори Марказий аппарат ваколатли комиссиясининг қарори билан белгиланади.

Йиллик иш якунлари бўйича мукофот йил давомида тўлиқ ишламаган ходимларга мазкур йилда ишлаган кунларига мутаносиб равишда ҳисобланади ва тўланади. Шунингдек, ходим вафот этган тақдирда йиллик иш якунларн бўйича мукофот амалда ишлаган кунлари учун ҳисобланиб унинг оиласига тўланади.

Меҳнат шартномаси мажбуриятларини мунтазам ёки бир марта кўпол равишда бузганлиги учун иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга йиллик иш якунлари бўйича мукофот тўланмайди.

Бундан ташқари, банк раҳбарияти айрим ходимларни ишда йўл кўйгаи камчиликлари учун йиллик иш якунлари бўйича мукофотдан қисман ёки тўлиқ маҳрум этиши мумкин.

Йиллик иш якунилари бўйича мукофотни ҳисоблашда ходимга ҳисобот йили давомида ҳисобланган ва ижтимоий суғурта бадаллари ажратилган барча тўловлар инобатга олинади.

Банк ходимларини йиллик иш якунлари бўйича мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш ваколатли комиссиялар томонидаи белгилапган тартибда кўриб чикилиб, ҳал этилади,

2.5. Меҳнат таътилга қўшимча ҳақ

Банк ходимларини рағбатлантириш ва ижтимоий химоялаш мақсадида тақвим йилида бир маротаба меҳнат таътилига чиқиш билан биргаликда ходимга ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридида қўшимча ҳақ буйруқ асосида тўланади.

Меҳнат таътилига қўшимча ҳақ йилда бир марта фақат ходимнинг асосий меҳнат таътнлига чиқиш тўғрисидаги буйруқ билан бирга

берилади. Бунда қўшимча ҳақ миқдори бошқа саналарга кўчирилишига рухсат берилмайди.

2.6.Бир марталик мукофотлар

Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларига боғлиқ бўлмаган, рағбатлантириш тусидаги қуйидаги бир марталик мукофотлар тўлаши мумкин:




2.2.4-расм. Бир марталик мукофотлар турлари.

Бир марталик мукофот пули ва унинг миқдори Ғазиачилик департаменти таклифи билан банк Бошқаруви раиси билан келишилган ҳолда Ваколатли комиссия қарори билан белгилаяди.

2.3 Ходимларга компенсация, моддий ёрдам ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда банк ҳисобидан ижтимоий суғурта нафақалари тўловлари ҳисоби.

Ходимларга компенсация, моддий ёрдам ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда банк ҳисобидан ижтимоий суғурта нафақалари тўловларни ҳисоблаш бўйича АТБ "Агробанк"нинг 2013 йил 25-январ кунги 6/2-сонли буйруғига асосан “Банк тизимида ходимларга иш ҳақи тўлаш, меҳнатини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган.

1.Компсенсация тўловлари



2.3.1-расм. Компсенсация тўловлари турлари.

1.2.Овқатланиш учун компенсация тўловлари

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида банк тизимидаги барча ходимларга ҳар ойда амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 4 (тўрт) баравари миқдорида овқатланиш ва йўлқира ҳаражатлари учун (3 баравари овқатланиш ва 1 баравари йўлқира учун) компенсация тўловлари амалга оширилади. Бунда, Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақи миқдоринг ўзгариши натижасида мазкур тўлов миқдори ҳам ўзгаради.

Мазкур тўлов ҳар ойннинг 1 санасигача ўтган ой учун ҳисобланиб, ходимларга тўлаб берилади.

Тўлиқ ой ишламаган ходимларга овқат ва йўлкира харажатлари учун тўлов ходимнинг ҳақиқатда ишлаган кунига нисбатан ҳисоблаб берилади.

Ярим ставкада ишловчи ходимларга овқат ва йўлкира пули энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баравари миқдорида тўланади, ярим ставкада ишловчи ҳайдовчиларга эса, энг кам иш ҳақининг 1,5 (бир ярим) баравари миқдорида тўланади.

Хизмат автомашинаси ажратилган раҳбар ходимлар, автомашина бириктирилган ҳайдовчилар, банк ҳисобидан ойлик йўл чипталари ҳамда метро транспортга жетонлар билан таъминланадиган ходимларга фақат овқат пули, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 3 (уч) баравари миқдорида тўланади.

Ўриндошлик асосида ишловчи ходимларга овқат ва йўлкира пули тўланмайди.

Ушбу тўловлар Бошқарув раисининг буйруғи билан жорий қилинади ва бекор қилинади.

1.2.Жамоат транспортда юриш учун компенсация тўловлари.

Банкнинг экспедитор, курьер лавозимларида ишлаётган ҳамда фаолияти доимий равишда йўлда ўтадиган ходимлар йўл кира ҳақларими компенсация қилиш мақсадида ойлик йўл чипталари ҳамда метро транспортга жетонлар билан таъмииланади.

Ойлик йўл чипталари ва жетонлар Ишлар бошқармаси тарафидан тегишли таркибий тузилмалар билдиришномаларига асосан Ғазначилик департаменти билан ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда сотиб олинади.

2.Шанбалик учун ҳақ тўлаш

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ваколатли органларнинг қарорларига асосан иш куни бўлмаган кунда шанбалик ўтказилиши мумкин.

Бунинг учун ходимлар бмлаи ишлаш бошқармаси (бўлими) масъул ходимлари томонидан тайёрланган ходимлар рўйхати бўйича шанбалик ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

2.1.Шанбалик ҳақни ҳисоблаш ва тўлаш.

Буйруқ асосида банк ходимларига шанбалик ўтказилган кун учун бир кунлик иш ҳақи ҳисобланади.

Шанбалик ўтказиладиган кун иш кунларига тўғри келса ходимларга бир кунлик иш ҳақининг икки хиссаси миқдорида иш ҳақи ҳисобланади. Ҳисобланган иш ҳақининг бир хиссаси жамғармага ўтказиб берилади, қолган бир хиссаси эса ходимга тўлаб берилади,

3.Моддий ёрдам тўловлари.

Банк ходимларига мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар бахциз юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ходисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун моддий ёрдам берилади.

3.1Моддий ёрдам маблағлари:

1. вафот этган ходимнинг оила аъзоларига-енг кам иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида;
2. ходимнинг яқин қариндошлари (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) вафот этганлиги муносабати билан энг кам иш ҳақининг 6 (олти) баробари миқдорида;
3. ходимнинг биринчи никоҳ тўйи муносабати билан энг кам иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорда;
4. ходим фарзандларининг биринчи никоҳ тўйи муносабати билан энг кам иш ҳақининг 6(олти) баробари миқдорида;
5. ходимнинг юбилей саналари (50, 55, 60 ва кейинги беш йиллик учун) муносабати билан-енг кам иш ҳақининг 10(ўн) баробари миқдорида;
6. ходим нафақага чиқиши муносабати билан ишдан бўшаётганда энг кам иш ҳақининг 12(ўн икки) баробари миқдорида ажратилиши мумкин.

Бундан ташқари фавқулодда ҳолатлар ва соғлиқни тиклаш мақсадида

3.2.Марказий аппаратнинг ваколатли комиссияси қарори билан:

1. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун;
2. ижтимоий аҳамиятта эга бўлган касалликлар (сил, оғир травмалар, янги пайдо бўладиган хатарли ўсимталар)ни даволаш учун;
3. фавқулодда ҳолатлар муносабати билан энг кам иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

3.3.Нафақага чиқаётган ходимларга моддий ёрдам

Банкнинг нафақага чиққан собиқ ходимларига уларнинг илтимосига кўра амалдаги қонунчилик билан белгилаingan энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида бир йилда икки марта моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

4.Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда банк ҳисобидан ижтимоий суғурта нафақалари

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, бола туғилгани учун нафақа, вақтинча меҳнатга қобилияцизлик учун нафақа, болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни ҳисобlash ва тўlash Адлия Вазирлигида 2002 йил 8-майда 1136-сон билан рўйхатга олинган “Давлат ижтимоий суғуртасн бўйича нафақалар тайинlash ва тўlash тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга оширилади,

Бола туғилгани учун нафақалар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплангандан сўнг тўланади,

Дафн этиш маросими учун нафақа суммаси банкнинг 19908 ҳисобварағи орқали тўлаб берилади ва кейинчалик Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан қопланади,


Болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash, хомиладорлик ва туғиш ҳамда вақтинча меҳнатга қобилияцизлик нафақалари белгиланган тартибда ҳисобланиб банк ҳисобидан тўланади.

Меҳнатга вақтинчалик лаёқацизлик бўйича нафақаларнинг тўланиши ходим томонидан тақдим қилинган касаллик варақасига асосан ижтимоий

тўловлар бўйича комиссиянинг хулосаси билан амалга оширилади. Комиссия иш берувчининг ва касаба қўмитасининг вакилларида иборат таркибда тузилади.

Ходимнинг мшнатга лаёқатизлик варақаси бўйича ҳисоб китобни амалга оширишда ойлик иш ҳақи, йил якунлари бўйича мукофот, даврий мукофот, иш ҳақига белгиланган устама ҳақ ҳисобга олинади.

Кўп йиллик меҳнат стажи учун тўланган мукофот пуллари ушбу нафақани тўлашда ҳисобга олинмайди ва қуйидаги миқдорда тўланади:



2.3.2-расм. Кўп йиллик меҳнат стажи учун тўланган мукофот пуллари

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар)га чалинган ходимларга меҳнатга вақтинчалик қобилиятсизлик нафақаси қуйидагича тўланади:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимлар, байналминалчи жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёш (ўқувчилар учун-18 ёш)га тўлмаган уч нафар ҳамда ундан кўп фарзанди бўлган ходимлар, Чернобил АЕСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимлар, қон ҳосил қилувчи органлар касаллиги (ўткир лейкоз), қалқонсимон без ҳамда хавфли ўсмалар (аденома, рак) билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимлар, ядро

полигоиларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимлар, шунингдек ишда шикастланган ҳамда касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ходимларга ўртача иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида нафақа тўланади.



2.3.3-расм. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга тўланадиган тўловлар.

**ИИИ-БОБ. АТБ "АГРОБАНК" АНДИЖОН ВИЛОЯТ
БОШҚАРМАСИ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИДА ИШ ҲАҚИНИ
ҲИСОБЛАНИШИ ВА МАЖБУРИЙ УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИ.**

**3.1 АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида
ҳодимларга иш ҳақини ҳисобланиши.**

АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ҳодимларга иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар тасдиқланган штатлар жадвалига асосан ҳисобланади. Штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21-июлдаги 206-сонли «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан шакиллантирилади.

3.1.1-жадвал

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
ЎзР ВМ 11.01.2012 й. 6-сон Қарорига мувофиқ биринчи сатр ўз кучини йўқотган	
0	1,000
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371

21	9,804
22	10,240

2016 йил 1 январдан бошлалб экнг кам ойлик иш ҳақи 130 240 қилиб белгиланган. АТБ "Агробанк" ўз ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаб тўлашлари учун юқорида келтирилган қарорга асосан штатлар жадвали ишлаб чиқилган.

3.1.2-жадвал

АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалининг тасдиқланган штатлар жадвали

Лавозим номи	Штат сони	Тариф		Лавозим маоши	Иш хакининг ойлик фонди
		разр ядлари	коэф фини ентлари		
Рахбарият					
Бошқарма бошлиғи	1	15	7,292	949 710	949 710
Бошқарма бошлиғи ўринбосари	2	14	6,893	897 744	1 795 489
Бошқарма бошлиғи ўринбосари- Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича ҳудудий менежер	1	14	6,893	897 744	897 744
Ижро назорати бўйича					
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Ички аудит бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Ходимлар билан ишлаш бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
ЮРИДИК БУЛИМ					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	2	10	5,362	698 347	1 396 694
Хавфсизлик бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
1-тоифали мутахассис	1	8	4,64	604 314	604 314
Биринчи бўлим					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Иккинчи бўлим					
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Ички назорат бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666

Лавозим номи	Штат сони	Тариф		Лавозим маоши	Иш хакининг ойлик фонди
		разр ядлари	коэф фини ентлари		
Рахбарият					
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Омонатчилар ва кредиторларнинг маблағларини мониторинг қилиш бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	2	10	5,362	698 347	1 396 694
Иқтисодий таҳлил бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Актив ва пасивларни бошқариш бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
1-тоифали мутахассис	1	8	4,64	604 314	604 314
Қимматли қоғозлар шуъбаси					
Шуъба мудир	1	10	5,362	698 347	698 347
Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари бўлими I					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Кредит амалиети мониторинги бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Устувор тармоқларни кредитлаш шуъбаси					
Шуъба мудир	1	10	5,362	698 347	698 347
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Кичик бизнес субъектларини кредитлаш шуъбаси					
1-тоифали мутахассис	1	8	4,64	604 314	604 314
Жисмоний шахсларни кредитлаш шуъбаси					
Шуъба мудир	1	10	5,362	698 347	698 347
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш шуъбаси					
Шуъба мудир	1	10	5,362	698 347	698 347
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
1-тоифали мутахассис	1	8	4,64	604 314	604 314
Нақд пул маблағларини мониторинг қилиш бўлими					

Лавозим номи	Штат сони	Тариф		Лавозим маоши	Иш хакининг ойлик фонди
		разрядлари	коэффициентлари		
Рахбарият					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
1-тоифали мутахассис	1				
Аҳоли омонатлари шўбаси					
Шўба мудир	1	10	5,362	698 347	698 347
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими					
Бош бухгалтер	1	13	6,503	846 951	846 951
Бош бухгалтер ўринбосари	1	12	6,115	796 418	796 418
Бош мутахассис	2	10	5,362	698 347	1 396 694
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
Информацион технологиялар бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Бош мутахассис	1	10	5,362	698 347	698 347
Касса ишлари бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
Пластик карталар бўлими					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Етакчи мутахассис	1	9	4,997	650 809	650 809
2-тоифали мутахассис	1	7	4,284	557 948	557 948
Капитал қурилиш шўбаси					
Шўба мудир	1	10	5,362	698 347	698 347
Девонхона (бўлим мақомида)					
Бўлим бошлиғи	1	11	5,733	746 666	746 666
Иш юритувчи	1	4	3,297	429 401	429 401
Экспедитор	1	3	2,998	390 460	390 460
Хужалик ишлари бўлими					
Хўжалик мудир	1	4	3,297	429 401	429 401
Ҳайдовчи	2,5	2	2,725	354 904	887 260
Электрик	0,5	3	2,998	390 460	195 230
жами	68			42 621 821	45 951 733

Юқорида келтирилган АТБ "Агробанк" томонидан ишлаб чиқилган штатлар жадвалига асосан 2016 йил январ ойида иш ҳақи ҳисобланиши билан танишиб чиқамиз

Банкда 2016 йил январ ойида банк ходимларига жами 85 000 000 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланди. АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида ходимларга иш ҳақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар

Иш ҳақини ҳисобланиши:

Дт	А	56102	Иш ҳақи
Кт	П	29803	Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобланган иш ҳақини нақд пулда берилиши:

Дт	П	29803	Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кт	А	10101	Айланма касса

Ҳисобланган иш ҳақини пластик картада берилиши:

Дт	П	29803	Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кт	П	23108	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар

Ҳисобланган иш ҳақини пластик картага юклатилиши:


Дт	П	23108	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар
Кт	П	22618	- Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар

3.2 Иш ҳақи ҳисобидан ушланадиган мажбурий ушланма ва иш ҳақига нисбатан ажратма тўловлари ҳисоби.

Иш ҳақи ҳисобидан ушланадиган мажбурий ушланмалар ҳисобига бу даромад солиғи ва ижтимоий суғурта бадали киради.


АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиали ходимларни иш ҳақи ҳисобидан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ушланмалар ҳисоблаб тўлайдилар.

Иш ҳақи ҳисобидан бюджетга даромад солиғи ҳисоблаб тўлайдилар.



3.2.1-расм. Жисмоний шахслардан ушланган даромад солиғи

Мажбурий ажратмалар: Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси.



3.1.2- расм.Мажбурий ажратмалар:

Бюджет-Жисмоний шахслардан ушланган даромад солиғи:

“Солиқ кодекси”нинг 167-сонли моддасига асосан солиқ тўловчилар бу-солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабр кунги ПҚ-2455-сонли “Ўзбекистон республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” қарорининг 9-иловасида Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

3.2.1-жадвал.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ДАРОМАД	СОЛИҚ СТАВКАСИ
Энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 0 фоизи
енг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1 сўм) беш бараваригача миқдорда	енг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараваридан ошадиган сумманинг 7,5 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 17 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 23 фоизи

Солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига - 2016 йил 1 январга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (130 240 сўм) келиб чиқиб белгиланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомидаги ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилмайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи яқун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси).

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига

Ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан «0» ставка бўйича солиқ солинадиган даромад (енг кам иш ҳақининг бир баравари) чегирилган ҳолда 1% миқдорда ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам ставка бўйича солиқ солинадиган жисмоний шахсларнинг алоҳида даромадларига солиқ солиш мақсади учун энг кам ставка 7,5 фоиз миқдорда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га асосан кўйидаги бухгалтерия проводкаси берилади.

Мисол: АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида 2015 йил май ойида 45 000 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди.

Аввал иш ҳақи ҳисобланади:

Дт	А	56102	Иш ҳақи
Кт	П	29803	Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан 13 000 000 сўм даромад солиғи ҳисобланган.

Даромад солиғи ҳисобланади:

Дт	П	29803	Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кт	П	22506	Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар

Ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан 13 000 000 сўм даромад солиғи бюджетга ўтказилган.

Сўнгра ҳисобланган даромад солиғи ўтказилади:

Дт	П	22506	Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар
Кт	П	23402	Республика бюджетининг маблағлари

Суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабр кунги ПҚ-2455-сонли “Ўзбекистон республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” қарорининг 3-бандига асосан фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 7,5 фоиз миқдоридан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га асосан қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади.

Мисол: АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида 2015 йил май ойида 45 000 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Шундан ижтимоий тўлов бадалли янгион ижтимоий жамғармага 7,5 % миқдоридан тўлов ҳисоблаб тўлади. $45\,000\,000 \cdot 7,5 / 100 = 3\,375\,000$

Суғурта бадалларини ҳисоблашда ва тўлашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт	П	29803	Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кт	П	22510	"Нафақа (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

Дт	П	22510	"Нафақа (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-
----	---	-------	---

			китоблар
КТ	П	20205	Пенсия жамғармаси

Иш ҳақига нисбатан ажратма тўловлар ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабр кунги ПҚ-2455-сонли “Ўзбекистон республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” қарорининг 25-иловасида “Ягона ижтимоий тўлов” ставкалари куйидаги жадвалда келтирилган:

3.2.2-жавдал

“Ягона ижтимоий тўлов” ставкалари

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан % ставкаси
1.	1-бандда назарда тутилмаган бошқа тўловчилар	25*

*) Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари.

Ягона ижтимоий тўлов суммаси белгиланган тартибга мувофиқ давлат мақсадли жамғармалари билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида куйидаги миқдорларда тақсимланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари бўйича:

бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 24,8%

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига 0,1%

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига 0,1%

Мисол: АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси худудий филиалида 2015 йил май ойида 45 000 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Шундан ягона ижтимоий тўловга 25% миқдорида тўлов ҳисоблаб тўлади.

$$45\,000\,000 * 25 / 100 = 11\,250\,000$$

**Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашда ва тўлашда қуйидаги
бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:**

ДТ	А	56114	"Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар"
КТ	П	22510	"Нафака (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

ДТ	П	22510	"Нафака (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар
КТ	П	20205	Пенсия жамғармаси

3.3 Иш ҳақидан ушланадиган мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисоби

АТБ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида солиқ кодексига асосан ходимларнинг даромадига солиқ ҳисоблаётганда турли имтиёзларда фойдаланилади.

Солиқ кодексининг 179-моддасига асосан “Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари” 2 турга бўлинади:



3.2.1-жадвал. “Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари”.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

- 1) моддий ёрдам суммалари:
 - фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;
 - вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;
 - солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

← Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

← Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4). Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан Чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари

ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5).вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

б).солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

7).Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

8).халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

9).донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

10).жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан:

∇ қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

∇ яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;

∇ кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни реализация қилишдан олинадиган даромадлар мустасно.

11) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки

қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади;

12) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

13) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

∠ ходимлар натура шаклида олган совғалар;

∠ илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам.

14) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

15) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

16) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

17) халқаро ҳамда Чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан — грант олувчидан олган грант суммаси;

18) дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак;

19) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилияцизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар;

20) олинган алиментлар;

21) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

22) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

23) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

24) давлат пенсиялари;

25) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

26) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

27) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига — юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

28) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

➤ ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

➤ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни ушбу мақсадлар учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банкларнинг кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган қурувчи шахслар, шунингдек уларнинг мазкур кредитлар бўйича биргаликдаги қарз олувчи бўлган оила аъзолари

томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

- Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

29) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

30) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳады шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва аксиялар тарзидаги даромадлар, агар мазкур улушлар, пайлар ва аксияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

31) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари.

32) аксиядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадлари.

Кодекснинг 180-моддасига асосан солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1. хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик

- хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;
2. хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинмаган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;
 3. хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;
 4. хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;
 5. халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;
 6. Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари — уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича;
8. концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар — ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.
9. якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар — якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномасига кўра бажарган ишлари учун олган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi даромадлар бўйича) озод қилинади:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;
2. уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3. болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;
4. собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик кўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;
5. икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини

ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

6. икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;
7. болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календар йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Республикамиз иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида ўз ифодасини топган. Тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қоидалари бугунги кунда халқаро андозаларга мос келадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномаси батафсил ёритиб берилган.

Бош бухгалтер тижорат банкида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилишини ҳамда Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди. Зарур ҳолларда ҳисоб сиёсатига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар киритади. Бош бухгалтернинг вазифалари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномасида келтирилган 1-иловасида батафсил баён этилган.

Ҳозирги кунда халқаро андозалар асосида фаолият юритишга ҳаракат қилаётган қатор тижорат банкларида бухгалтерия аппаратини “Фронт-офис” ва “Бек-офис”га ажратиш амалга оширилмоқда. Мижоз учун ҳам бундай таркибий бўлиниш аҳамиятли бўлиб, тижорат банкининг битта бўлими ёки биносида, аммо лавозими турлича бўлган ходимлардан ўзининг барча масалаларини ечиш имкони юзага келади. Мижоз операциялар бошланишидан то тугагунига қадар фақат Фронт-офис

ходимлари билан алоқада бўлиб, Бек-офис мавжудлиги мижоз учун аҳамияти ҳисобланади.

Тижорат банкларда ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Марказий банк томонидан қуйидаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган “Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида”ги низом, Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1301-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги ҳатоларни тузатиш тартиби тўғрисида”ги низом ва Адлия вазирлигида 2005 йил 18 январда 1445-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан жамланма молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги низом ва бошқалардир.

Битирув малакавий ишининг якунида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблашда, белгиланган иш соатдан ортиқча ишласа иш ҳақи тўлаш зарур:

Иккинчидан, тижорат банкларга янги ишга қабул қилинган ходимларни иш ҳақидан имтиёзли тарзда камда олти ой давомида даромад солиғидан озод қилиниши зарур. Чунки ходим иш тизимида кўникма ҳосил қилгунга қадар вақт керак бўлади.

Учинчидан, тижорат банкларида рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар кўп бўлганлиги учун асосий иш ҳақи билан рағбатлантириш пуллари ҳисобини олиб бориш учун алоҳида ҳисобварақ юритиш зарур.

Биз юқорида келтирган хулоса ва таклифлар инобатга олинса ва тижорат банкларини фаолиятида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. - Т.: 2016 йил 30 март.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонуни.- Т.: 1995й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 14 декабрдаги Р-3539-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастури
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ПП-1213 “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида» ги Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317- сонли Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 сонли Қарори

10. “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўтғимча. чор- тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4057-сонли Фармони. -Т.: 28.11.2008й.

Президент асарлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 18 январ..

12. Каримов И. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет

Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

13.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

14.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган “Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида”ги низом.

15.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1301-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида”ги низом.

16.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 18 январда 1445-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан жамланма молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги низом.

17.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида» йўриқнома.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси».
19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 4 апрелда 2570-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида» низом.
20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги» низом.

Асосий адабиётлар

21. Алимов И.И. Ҳожиматов Р.Х., Матгозиев Ҳ.Ҳ.. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ 2011. 244 б
22. Алимов И.И. Хусанбоев А.Ф. Икромов А.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ 2010. 214 б.
23. Ф.Т. Абдувахидов. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби: Ўқув қўлланма. -Т.: 2007, -164 бет.
24. Темиров А.А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва оператив техника. Т.: ТДИУ 2010 йил., 192 бет.
25. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби./ Ўқув қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2012 й. 282 бет.
26. Наврўзова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010 йил, 280 бет.
27. Наврўзова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010 йил, 280 бет.

Интернет сайтлари.

сбу.уз

агробанк.уз

